

**БАҲОРГИ БЎҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ УРУҒЧИЛИГИ**

Бекбанов Б.А
Нагиметов О
Серимбетов Т.Е

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

КИРИШ

Кейинги йилларда об-ҳаво ва иқлимни ўзгариб бораётганлиги, республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларига мос бошоқли дон экинларини серҳосил, эрта пишар, шўрга, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган навларни яратишни ва яратилган навларни бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этишни тақозо этади.

Донли экинлардан юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш учун, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб илмий асосланган ҳолда, минтақа шароитларига мос, барқарор ҳосил берадиган, дон сифат кўрсаткичлари юқори навларни танлаш ва жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз шароитида экишга тавсия этилган ҳамда истиқболли баҳорги юмшоқ буғдой навларининг суперэлита уруғларини, узимизнинг шароитларда етиштиришни тўғри йўлга қўйиш, навларнинг ҳудудий уруғчилик тизими илмий асосда шаклланишида катта қадам бўлади.

Бошоқли дон экинларидан барқарор, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда, уруғчиликнинг тўғри йўлга қўйилиши муҳим омиллардан биридир.

Ҳосилдорликнинг ҳар қандай ноқулай шароитда бир маромда бўлишлигини таъминлашга биотик ва абиотик стрессларга чидамли бўлган навларни яратиш орқали эришиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили. Бошоқли дон экинлари, шу жумладан, баҳорги буғдой экиладиган минтақаларда уни мақбул муддат ва меъёрларда экиб, озиклантириш режими тўғри амалга оширилганда, ҳосилдорлик билан бирга дон сифатининг ҳам яхшиланишига эришилганлиги кўпгина илмий адабиётларда ўз аксини топган [1].

Биологик жиҳатдан тезпишар бўлган буғдой навлари, мамлакатимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида деҳқончиликни интенсивлаштиришга имконият яратади [2].

Ўсимликнинг турли стрессларга жавоб бериши, мослаша олиши, яъни ўсимлик ўсиш давлари ва уларнинг давомийлиги, унинг генетик имкониятига боғлиқдир. Ўсимлик ўсув даврининг давомийлиги навнинг табиий ўзгарувчанлиги билан аниқланиб, ўстириш шароитига ҳам боғлиқ [3].

Ўзбекистонда буғдой экиладиган минтақалар иқлимининг асосий хусусиятлардан бири қурғоқчил шароит ҳисобланади. Ўзбекистонда тез-тез содир бўладиган қурғоқчилик буғдойнинг ўсув даври давомида ўсимликка



катта таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик ва дон сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Қурғоқчилик ўсимликларда органик модда тўпланиш миқдорини камайтиради, барглар ўсишини секинлаштириб, асосий фотосинтез ўтадиган ишчи юзасини қисқартиради [4].

Қурғоқчилик, ўсимликларга таъсир этиш даврларига қараб баҳорги, ёзги ва узоқ муддатли бўлиши мумкин, яъни ўсимликнинг барча даврларида намоён бўлади ва критик пайтларда ўсимлик учун жуда катта зарар етказиши мумкин. Тупроқнинг пайдо бўлиш даврида қурғоқчилик об-ҳаво бошоқ сонининг кам бўлишига ва бошоқ узунлигига таъсир этиши мумкин. Бошоқнинг пайдо бўлиш даврида қурғоқчилик об-ҳаво ён томондаги ва ўртадаги бошоқчанинг пуштсиз бўлишига олиб келади. Ўсимликнинг гуллаш даврида қурғоқчилик бўлиши бошоқда дон сонининг камайтилишига асосий сабаб бўлади [5].

Уруғлик этиштириш учун экиладиган майдонларда экиш нормаси муҳим аҳамиятга эга, сабаби ҳар бир ўсимлик учун 10 кв.см майдон бўлганда уруғликнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлганлиги қайд қилинган [6].

Тадқиқот материаллари ва услублари: Дала тажрибаси Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида, баҳорги бўғдойнинг янги "Сауле" навида олиб борилди. Тажриба қўйидаги тизим асосида, ҳар бир вариант 20м² майдонда тўрт такрорланишда жойлаштирилди.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари", тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар "Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах" услубий қўлланмалари асосида олиб борилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг "Методика полевого опыта" услубий қўлланмаси асосида амалга оширилди

Тупроқ таркибида фосфор 171, калий 142,7 мг/кг ва азот 0,15 % атрофида бўлганлиги аниқланди, яъни, фосфор миқдори юқори, азот ўртача ва калий паст даражада бўлганлиги кўриниб турибди.

Таҳлил ва натижалар: Ўсимликнинг ўсув даври ғалла экинларида, одатда, 2 даврга бўлинади: униб чиқиш-бошоқлаш ва бошоқлаш-пишиш. Униб чиқиш-бошоқлаш даврининг давомийлиги навнинг асосан кўп миқдорда биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ташқи муҳит иқлим-шароити кичик даражада аҳамиятга эга, бошоқлаш-пишиш даврида эса ташқи муҳит иқлим-шароити сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ўсимликларни бошоқлаш ва мум пишиш фазаларида, морфобиологик белгилар бўйича баҳоланиб борилди. Ўсимликларни гуллаш фазасида биринчи нав ўтоғи ва мум пишиш фазасида иккинчи нав ўтоғи ўтказилди.

Экилган оилалар бошоқлаш фазасида ҳар тарафлама ўсимликларнинг кўриниши, бошоқлаш муддати, бошоқ ва ўсимлик барглари рақами ҳамда



бошқа кўрсаткичлари атрофлича баҳоланиб, ривожланишдан орқада қолган 3 та, бошқа хил ўсимликлар аралашган 2 та, зараркунандалар билан зарарланган 1 та, бошоқлаш муддати бўйича 2 та оила ва морфобиологик белгилари бўйича 1 та, ҳосилдорлик бўйича 2 та жами 11 та оила ёки 29,0 фоиз оилалар яроқсиз деб топилиб, тажриба майдонидан ўриб чиқариб ташланди.

Дала кўриги тақлилларида кейин 26 та оила танлаб олиниб, улар лаборатория таҳлилидан утказилди. Лаборатория таҳлили натижасида доннинг формаси бўйича 1 та, доннинг йириклиги бўйича 1 та оила яроқсизга чиқарилиб, 24 та оила келгуси йил иккинчи йилги уруғ купайтириш кучатзорига экиш учун таёрланди.

Хулоса. Шимолий худудларида буғдой етиштиришда, айниқса дон тўлиш фазасида рўй бераётган юқори ҳарорат ва ҳаво намлигининг паст бўлиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига кучли таъсир кўрсатмоқда. Дон тўлиш давридаги об - ҳавонинг кескин кўтарилиши, донни физиологик тўлиқ етилишига ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келмоқда.

Оролбўйи ҳудуди тупроқ-иқлим шароитларига мос ва ҳосилдорлиги юқори бўлган маҳаллий баҳорги буғдой навларини жорий етиш, уруғчилигини йўлга қўйиш, ҳамда екин майдонларини кенгайтириш, бугунги кунда муҳим аҳамиятга ега.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Халилов Н.Х. Буғдой дон хосили ва сифатига экиш меъёри ва ўғитларнинг таъсири. “ Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиясининг муаммолари”. Сам ҚХИ . Конф. туплами. – Самарқанд, 2004. – Б. 16.

2.Эгамов И., Адашев И., Мамадалиева Г. Кузги буғдой навларининг усиш-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига экиш муддати, меъёрларини таъсири // Агро илм. – Ташкент,2015. – N2-3. – Б. 20.

3.Нурбеков А.И., Халикулов З.И. Новые сорта мягкой пшеницы, созданные в сотрудничестве СИММИТ и ИКАРДА // Вестник Региональной сети улучшению озимой пшеницы Центральной Азии и Закавказья. –Алматы. 2002. –№2.

4.Аманов А., Зиядуллаев З., Аманов О., Узақов Ғ., Абдуазимов А. Бошоқли дон экинлари уруғларини сифатли тайёрлаш, экиш ҳамда кузги парваришлаш бўйича тавсиянома // “Насаф” – Қарши. 2014 йил. – Б. 17-21.

5.Ремесло В.Н., Сайко В.Ф. Сортовая агротехника пшеницы. – Киев: “Урожай”, 1981. – С. 49-52.

6.Шевченко В.Е.,Федотов В.Н. Биологизация и адаптивная интенсификация земледелия в Ц 23. – Воронеж. 2006. – С. 91-96.